



Ҳасанхон Яҳё АБДУЛМАЖИД,
Ўзбекистон мусулмонлар
идораси қошидаги Ўзбекистон
Қуръон мусобақаси ташкилий
ишлар ҳайъати раиси
ўринбосари, бош ҳакам



ҚУРЪОНИ КАРИМ ТИЛОВАТИ МУСОБАҚАСИ

Жорий йил юртимизда ўзгача
файзу барака билан бошланди.
Йилнинг биринчи чораги
мамлакатимиздаги энг моҳир
қори ва қорияларнинг қироатлари
садоси остида ўтди. Юртимиз
бўйлаб Қуръон зиёси таралди.
Шаҳар-қишлоқларимизда Қуръон
мусобақасини эшитмаган, унга
қизиқмаган одам қолмади ҳисоб.
Табиийки, ушбу мусобақа ҳақида
янги таъсис этилган «Ислом
тафаккури» журнали ўқувчилари
ҳам батафсилроқ маълумот
олишга иштиёқмандлар.



Қуръон ўқиш ва илм-фан бўйича мусобақалар ўтказиш жоизлиги, балки лозимлиги, улуғ савобли иш эканига далолат қилувчи шаръий далиллар мавжуд. Чунончи, Қуръони каримнинг бир қатор оятларида яхшилик ишларида мусобақалашигга чақирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, яхши ишларда мусобақа ва кўриклар уюштириш «масолиҳи мурсала» қондасига кўра мандуб, мустаҳаб амал саналади.

Қуръон қорилари ўртасида кўрик ва мусобақалар ўтказиш узоқ тарихга эга. Маълумотларга кўра, XVIII–XIX асрларда юртимиздаги қатор мадрасаларда Қуръон қорилари ўртасида кўриклар ўтказилиб, ғолиблар бевосита хоннинг совринига сазовор бўлган.

Асли андижонлик, Тошкентда яшаб ўтган устоз Абулазиз қори дада раҳматуллоҳи алайҳнинг айтишларича, ўтган аср аввалида Бухорода Мир Араб мадрасасида ҳар йили талабалар ўртасида Қуръон кўриги ўтказилар ва ҳакамларнинг талабларига жавоб берган, яъни Қуръонни сўралган жойидан адашмай, яхши ўқиб бера олган қориларга қимматбаҳо совринлар бериш билан бирга, бирор савдогар ёки дўкдорга ойлик даромадидан 10 фоизини ушбу қорининг ҳисобига ўтказиши таъминланган. Бу услуб «даҳи дар даҳ» – «ўндан ўн» деб аталган. Ёки бўлмаса, Ичанқалъада Хива хони тарафидан ҳар йили қорихоналардаги қорилар ўртасида кўрик ўтказилиб, ғолибга шахсан хоннинг ўзи бир хум тилла топширган.

Бир қатор мамлакатларда ҳар йили халқаро Қуръон мусобақаси ўтказиш анъанага айланиб бораётган ярим асрдан ошди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларда кўплаб ислохотлар қатори қорилар мусобақаси ташкил этилган. Бу мусобақа ўша пайтдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг ташаббуси билан уюштирилган эди. Кейинги йилларда Қуръон мусобақаси асосан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги билим юртлири талабалари

ўртасида ўтказиб келинди. Бу мусобақаларда халқ ичидан етишиб чиққан қорилар иштирок эта олишмасди.

Бу йилги Ўзбекистон Қуръон мусобақаси ўлкамиз тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Бу йилгидек кенг омма ўртасида, юқори савияда ва юксак тайёргарлик билан Қуръон мусобақаси ўтказилиши ўлкамиз тарихида илк бор амалга ошди. Мусобақа ўтказиш ташаббуси давлатимиз раҳбари тарафидан бўлиши эса алоҳида аҳамиятга эга. Бундай мусобақада давлат раҳбарининг бош-қош бўлиши дунё тажрибасида нодир ҳолат ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 1 сентябрда «Ҳазрати Имом» мажмуасида диний соҳа ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда Қуръони карим мусобақасини юқори даражада ўтказиш бўйича кўрсатма берди. Ушбу топшириқ юзасидан диний идора қошида мусобақа ташкилий ҳайъати шакллантирилди, тегишли тартиб-қоидалар тизими ишлаб чиқилди.

Мусобақа 2 йўналиш – «Ҳифз» (Қуръонни тўлиқ ёддан ўқиб бериш) ва «Тиловат» (Қуръонга қараб чиройли ўқиш) бўйича ҳамда 3 босқич – шаҳар-туман, вилоят ва республика босқичи кесимида ўтказилди.

Барча омиллар ҳисобга олиниб, халқаро мезонлардан келиб чиққан ҳолда мусобақа иштирокчилари 3 тоифага ажратилди:

1. 18-25 ёшлилар;
2. 26-40 ёшлилар;

3. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги билим юртлири ва илмий марказлар талабалари.

Мусобақада иштирок этишда эркак ва аёллар тенг ҳуқуқли деб белгиланди. Шунга кўра, жорий йилнинг 4–15 январь кунлари жами 5397 нафар (3283 нафар эркак, 2114 нафар аёл) иштирокчи мусобақада қатнашиш учун рўйхатдан ўтди.

Мусобақани адолатли ва шаффоф ўтказишни таъминлаш мақсадида юртимизнинг тажрибали, халқаро ва республика Қуръони карим мусобақаларида олий ўринларни эгаллаган, халқимиз эътироф этган ҳофизли Қуръонлардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилди.

Мусобақанинг кўлаמידан келиб чиқиб, баҳолаш тизими пухта ишланди, халқаро мусобақалар меъёрларига жавоб бера оладиган баҳолаш тизими яратилди. Янги тизим мусобақадан олдин жонли суратда синовдан ўтказилди.

Мусобақанинг биринчи босқичи 2018 йил 15 январь – 15 февраль кунлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг ушбу шаҳар-туман босқичи иштирокчиларининг адади ва бошқа имкони-



ятлардан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимида ўтказилди. Бир ой давом этган ушбу биринчи босқичида 5397 нафар иштирокчининг қироатлари ҳакамлар тарафидан тўла кўриқдан ўтказилиб, юқори балл йиғиш асосида дастлабки 3 ўринни олган ғолибларга (жами 1000 дан ортиқ иштирокчига) махсус диплом ва совғалар топширилди. Мусобақанинг барча иштирокчиларига шаҳодатнома, эсдалик совғалари берилди. Айниқса, кўзи ожиз қори ва қорияларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, мусобақанинг ушбу биринчи босқичи беҳад катта қувват ва имконият талаб қилди. Водий вилоятлари ва Тошкентда ўтказилган мусобақаларда аёл ҳакамлар ҳам фаол иш олиб бордилар.

Мусобақанинг дастлабки икки босқичида айрим вилоятларда томошабинлар сони 3-4 мингдан ортиб кетди. Баъзи ҳудудларда мусобақада иштирок этувчилар кўплигидан мусобақа 2-3 кун давом этди.

Мусобақанинг ўтган икки босқичида Фарғона, Андижон ва Тошкент шаҳри вакиллари илмий салоҳиятига кўра намунали деб топилдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги билим юртлар ўртасида Қуръон ўқиш маҳорати бўйича энг намунали таълим муассасаси сифатида Фахриддин Розий номидаги ўрта махсус билим юрти (Хоразм), Мир Араб ўрта махсус билим юрти (Бухоро), Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти эътироф этилди.

Мусобақани юқори савияда ташкил этиш борасида Қорақалпағистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти ўрнатди.

Республика босқичига йўлланма олганларнинг умумий сони 140 киши бўлиб, улардан 90 нафари йигитлар, 50 нафари аёл-қизлардан иборат бўлди. Улар орасида 6 нафар иштирокчи ногиронлиги сабабли имтиёзли равишда якуний босқичга қўйилди.

Апрель ойининг 21-24-кунлари эркаклар ўртасида мусобақанинг республика босқичи ўтказилди. Тақдирловда нафақат ғолиблар, балки барча иштирокчилар, устозлар ва ҳакамларга ҳам ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Республика босқичида биринчи рақамли ғолибни аниқлаш масаласи кўндаланг бўлди. Бу борада энг яхши ечим сифатида «Олий

мукофот» усулини қўллаш маъқул топилди. Олий мукофот фақат ҳифз йўналишида жорий этилди. Эркаклар ўртасида ҳифз йўналишида республика босқичида энг юқори балл – Олий мукофот олган қори Президент совғаси – «Жентра» автоулови билан тақдирланди.

Аёл-қизлар мусобақасида ҳифз йўналишида 14, тиловат йўналишида 36 қория иштирок этди. Ҳар икки йўналишда уч тоифа иштирокчилар ичидан энг юқори балл йиққан 3 киши махсус диплом ва совринни қўлга киритди. Шунингдек, барча иштирокчи қорияларга эсдалик совғалар, ташаккурномалар топширилди.

Мусобақанинг ҳар уч босқичи тўлиқ видео тасвирга олинди ва www.muslim.uz саҳифаси орқали бутун дунёга жонли тарзда узатиб турилди. Мусобақа жараёни маҳаллий ва хорижий матбуотда кенг ёритиб борилди. Якуний босқич интернет тармоғи орқали узатилишдан ташқари, мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги марказий масжидларда махсус мониторинг орқали жонли сураатда олиб кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ўтказилган бу йилги Қуръон мусобақаси халқаро мусобақалар андозаларига мувофиқ, соҳа мутахассислари тарафидан қабул қилинган талабларга жавоб берадиган даражада илмий савияда ўтказилди. Бундай Қуръон мусобақаси халқимизнинг неча йиллардан бери ушалмай келаётган орзуларидан эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мусобақа элимиз кутгандан зиёда, фавқуллодда юқори кайфиятда ўтди.

Ҳар бир ҳудудда ўтказилган мусобақа бамисоли халқ сайлига айланиб кетди. Халқнинг юзидаги шодлик, кўзларидаги қувонч ёшларидан бу мусобақа элимизга қанчалар манзур бўлганини англаш мумкин эди.

Аллоҳ таолодан юртимизда Қуръон нури абадий таралиб туришини, бу каби мусобақалар йил сайин кўпайиб, бардавом бўлишини сўраб қоламиз.

